



Тошкент Оқшоми

2018 йил 31 январь, Чоршанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 20 (13.617)

Баҳоси эркин нарҳда

АМСТЕРДАМДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЙ САЙЁҲЛИК ИМКОНИАТЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Январь – февраль ойлари европалик туроператорлар учун қизғин мавсум ҳисобланади. Чунки айнан шу ойлarda қишки таътилга чиққан минтақа аҳолиси дунё мамлакатлари бўйлаб саёҳатга чиқишади. Шу боис Нидерландияда ҳар йилнинг бошида турли даражалардаги сайёҳлик тадбирлари – йирик кўргазмалар ҳамда алоҳида мавзуларга бағишланган тақдимот маросимлари ўтказилади.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Амстердам пойтахтида жойлашган "Koning Aap" сайёҳлик компаниясининг бош идорасида бўлиб ўтди. Бу ерда FIT (foreign independent tour) шаклидаги индивидуал сайёҳликнинг янги йўналишлари тақдим этилди.

"Koning Aap" сайёҳлик компанияси сайёҳликнинг бу турига алоҳида эътибор қаратади. Бунда хорижий мамлакатга йўл олоқчи бўлган сайёҳ сафарининг дастурини ўзи тузади – авиа-ташувчи, меҳмонхона ва борадиган масканларни, ҳаракатланганидан транспорт воситаларини ўзи танлайди.

Тадбир чоғида Ўзбекистонда сайёҳликни ривожлантириш ва замонавий инфратузилмаларни ташкил этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар, мамлакатимизнинг тарихий-маданий мероси ва диққатга сазовор масканлари ҳақидаги батафсил маълумотлар Европа сайёҳлик компаниялари вакилларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Республикамизнинг Бенилюкс мамлакатларидаги элчихонаси кўмағида Ўзбекистон бўйлаб индивидуал сайёҳликнинг ўзига хосликлари Your Way 2 Go компаниясининг бош менежери Арйо Виет томонидан тақдим этилди. Тақдимот Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари бўйлаб саёҳатнинг аънаваний йўналишларидан ташқари инқирозга дуч келган Орол денгизини ўз кўзи билан кўриш, Фарғона водийсининг ўзбек маҳаллалари, Сурхондарёдаги қўна хароба ва шаҳарчалар, Нукусдаги Игор Савицкий музейи ва бошқа диққатга сазовор масканлар билан танишишни ҳам қамраб олди.

Ўзбекистон тақдими чоғида Амстердам аҳолисининг вакиллари кўпчиликини ташкил этди. Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, 2017 йили Нидерландиядан 2000 нафар саёҳатчи мамлакатимизга келди. Еврокомиссия маълумотномаларида маълум қилинишича, Фарбий Европа мамлакатлари ўртасида айнан голландияликлар фаол саёҳатчилар ҳисобланишади.

А.Виетнинг фикр билдиришича, Яқин Шарқ мамлакатларининг сайёҳлик нуктаи назаридан жозибдорлиги чекинаётган, бу эса Миср, Туркия, Тунис, Эрон сингари мамлакатлардаги сиёсий ҳамда ижтимоий беқарорлик билан боғлиқ бўлиб турган бир шароитда Шарқ йўналишининг бутун дунёдаги ихлосмандлари ҳозирги пайтда Буюк Ипак йўли йўналишини афзал би-лишяётганини айтди.

– Қадим-қадимдан маълумки, том маънодаги Шарқ айнан карвон йўллари билан вужудга келган, улар эса Самарқанд, Бухоро, Хива, Хирот, Бағдод ва бошқа афсонавий шаҳарлар орқали ўтган, – деди у. – Биз бугунги кунларда ўзбек шерикларимиз билан голландиялик сайёҳларнинг Ўзбекистоннинг жозибдор, ажойиб масканлари бўйлаб индивидуал саёҳатларини ташкил этиш юзасидан бажонидил иш олиб бормоқдамиз.

"Жахон" АА,
Амстердам



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимиздаги "Зарқайнар" миллий либослар галереясида халқ бадийи хунармандлиги ва амалий санъати маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган хунармандлар ёғоч ўймакорлиги, миниатюра, зардўзлик, заргарлик, миллий либослар, кулолчилик, қандакорлик каби 20 дан ортиқ йўналишда яратган маҳсулотларини намойиш этди.



МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари ва мусаввирлари "Хунарманд" уюшмаси ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад юртимиз хунармандлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорлардаги савдосига кўмаклашиш, уларни хорижий давлатларда ўтказиладиган халқаро миқёсдаги кўргазма ва фестивалларга кенг жалб қилиш, чет элларда миллий хунармандлик маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар ва савдо уйлари билан барпо этишга қаратилган.

Уюшма раиси У.Абдуллаев, Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари И.Жасимов ва бошқалар халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий аънаваларини тўлиқ сақлаб қолиш ва янада бойитиш ҳамда хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган чора-тадбирлар ўзининг амалий натижаларини бераётганини таъкидлади.

– Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада кенг имкониятлар очиб бермоқда, – дейди самарқандлик хунар-

манд Лола Ганиева. – Бугунги давр хунарманддан нафақат маҳсулот яратиш, балки тадбиркорликни ҳам талаб этмоқда. Шу маънода давлатимиз томонидан хунармандларга катта эътибор қаратилиб, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, имтиёзли кредитлар бериш, хунармандлик маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилиш бўйича қулайликлар яратилмоқда. Мен ўзим хунармандларнинг еттинчи авлодиман. Ипак матоларга табиий ранглар билан турли-туман нақшлар, гуллар соламан. Улардан хотин-қизларимиз учун кўйлак, шарф, чопонлар тикаман. Мазкур тадбир мен учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлди.

– Йигирма олти йилдан буён нақшошлик билан шуғулланаман, – дейди хунарманд Камолиддин Абдуллаев. – Деворий паннолар, совғабоп қўтилар, аёллар тақинчоқларини яратаман. Маҳсулотларимизнинг ўз харидори бор, ҳатто уларнинг сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Ўтган йил маҳсулотимизни Хитойда намойиш этдик. Бугунги кўргазма бу борадаги режаларимизга яна бир имкониятдир.

Кўргазма доирасида О.Исҳоқова, Д.Ўмрзоқова, М.Азизова, З.Жўраева каби дизайнер-хунармандларнинг миллий матолардан яратган либослари намойиш этилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича партия олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Б.Ёқубов ва бошқалар Дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимиз тараққиёт босқичининг узий давомид бўлиб, иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётимиздаги ўзгариш ва янгиланишларга замин яратишни, ЎзЛиДеП ва унинг ҳар бир

фаоли бутун саъй-ҳаракати, билими ва салоҳияти билан белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажаришга ҳисса қўиши лозимлигини таъкидлади.

Давлат дастурида тадбиркорларга берилаётган имкониятлар, хусусан, тадбиркорлик субъектлари учун божхона кўригида хавф-хатардан огоҳ этиш тизими – "яшил" ва "қизил" йўлакларни жорий этиш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни 2 йилга тўхтатиш ва бошқа қўллаб имтиёзлар ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, партиянинг жорий йил учун қонун лойиҳаларини парламентда муҳокама этиш ва қабул қилишда партия фракцияси ролини кучайтириш,

қонунларни қабул қилиш жараёнида аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилиш тизимидан самарали фойдаланиш, давлат божқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг қўшимча механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар тингланди. Жумладан, давлат органлари фаолиятини режалаштириш ва самарадорлигини ошириш, Олий Мажлис палаталарига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига электрон тарзда жамоавий мурожаат қилиш тартибини жорий этиш, ёш оилалар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уй-жой олиш имкониятини таъминлаш учун ушбу соҳада рақобатни ошириш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан режалар тузилди.

Ш.МАМАТУРОВА

сизлиги, инновациялар, почта, логистика ва электрон савдо, таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби йўналишларни қамраб олиши зарур.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 18 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, узоқ истиқболга мўлжалланган АКТни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги зиммасига юкланган.

(ЎЗА)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан ташкил этилган кўргазмали семинарда тадбиркорлик субъектларига солиқ қонунчилигидаги ўзгариш ва янгилликлар, тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар ҳақида маълумот берилди.

● Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Термиз шаҳар кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат ҳудудда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш, жиноятларнинг олдини олиш ва навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол улғайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

● Гулистон шаҳрида ўтказилган кўргазма "Танлаган касбим – менинг фахрим" деб номланди. Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда ҳудуддаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Наманган вилояти бандлик бош бошқармаси томонидан Тўрақўрғон туманида туман ҳокимлиги, прокуратура, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда 304 кишига ишга йўлланма ва 138 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳат берилди. 40 дан зиёд киши ҳақ тўланадиган жамоат ишлари билан таъминланадиган бўлди.

ЖАҲОНДА

● Филиппин пойтахти Маниладан 330 километр узоқликда жойлашган Лусон оролидаги Майон вулкани "уйғонишидан" олдин хавфли ҳудуддан 80 минг киши эвакуация қилинганлиги, яқин атрофдаги мактаблар эпилганлиги боис қурраи заминдаги энг хавфли вулконлардан бири бўлган Майоннинг отилиши ён-атрофга унчалик зарар етказмади. Ушбу вулкон бир куннинг ўзида бўрт марта отилди ва кулнинг таландлиги 2 километрга етди.

● Ҳиндистон молия вазири Арун Жейтлиннинг маълум қилишича, мамлакат кейинги 25 йил давомида жаҳондаги энг йирик учта иқтисодиётдан бирига айланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Вазирнинг айтишича, Ҳиндистон иқтисодиёти ҳозирда еттинчидан бешинчи ўринга кўтарилган ва бу юқорида таъкидланган вақт давомида учинчи ўринга чиқиши учун кенг имкониятлар яратади. Чунки Ҳиндистон айни дамда жаҳондаги энг тез ўсаётган иқтисодиётга эгадир.

Ахборот-коммуникация технологиялари

АКТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мутахассислари консалтинг ва аудит соҳасида хизмат кўрсатувчи, аудит компаниялари "катта тўртлиги"га кирувчи "Deloitte" халқаро компаниялар тармоғи вакиллари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистонда ИТ-соҳасини ривожлантириш тамойиллари ишлаб чиқиши, хусусан, узоқ истиқболга мўлжалланган АКТни ривожлантириш стратегияларини татиқ этиш бўйича илғор халқаро тажрибани

ўрганиш жараёнида "Deloitte" компанияси билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари муҳокама этилди. Бунда ишлаб чиқилаётган тамойиллар телекоммуникацион инфратузилма, "Электрон ҳукумат" тизими, ахборот хавф-

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида Давлат статистика қўмитаси раиси ва раис ўринбосарларининг 2018 йил I-ярим йиллигига мўлжалланган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туманларида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари юзасидан сайёр қабуллар жадвалига асосан Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигида Давлат статистика қўмитаси раиси иштирокида сайёр қабул ташкил этилди.

Унда туман ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг малакали мутахассислари, солиқ, тижорат банклари, коммунал ташкилотлари ва бошқа соҳа ходимлари ҳамда тадбиркорлик субъектларидан вакиллар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси Б.Бегалов сўзга чиқиб, бугунги кунда тизимда олиб борилаётган ишлар, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ва ишлаб чиқарилаётган статистика маълумотлар, уларни шакллантириш жараёнлари тўғрисида йиғилиш иштирокчиларига атроф-

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

лича тушунтиришлар бериб ўтди.

Шунингдек, давлат статистика хисоботларини тақдим этиш тартиб-қоидалари, афзалликлари ва бу борада ҳисобот тақдим этувчилар учун яратилган имкониятлар ва қулайликлар, тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари учун давлат статистика соҳасига оид яратилган энгилликлар ва белгиланган

қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш механизмлари тўғрисида, давлат статистика тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, давлат интерактив хизматларининг самарали фаолиятини таъминлаш юзасидан белгиланган вазифалар ҳамда фойдаланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар ва бошқа қатор масалалар муҳокама

этилиб, бу борада иштирокчиларга зарур маълумотлар берилди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари томонидан берилган саволларга мутасадди ташкилотлар ходимлари томонидан жавоблар қайтарилди. Уларни қийнаётган муаммо ва камчиликларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Тадбир доирасида ўзларини қизиқтирган саволлар билан фаол иштирок этган фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг вакилларида Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногирон оилаларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари ва совғалар тақдим этилди.

Абдували СОДИКОВ



Мирзо Улугбек туманида қурилган “Ёшлар уйи”даги хонадонлар турли соҳаларда муваффақиятларга эришган ёш оилаларга топширилди.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Тошкент давлат юридик университетида Демократия ва инсон ҳуқуқлари нодавлат институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда “Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб масалалари” мавзусида минтақавий илмий-амалий семинар ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари раҳбар ходимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институтининг минтақавий филиаллари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва Ёшлар иттифоқи фаоллари иштирок эттишти.

– Мазкур илмий-амалий семинар “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қонунлари ва халқаро шартномаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлаш” номли лойиҳа доирасида ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва бошқа Фуқаролик жамиятлари институтларини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ёрдамида ташкил этилди, – дейди Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти директори, юридик фанлари номзоди Сайёра Ходжаева. – Давра суҳбатиде инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги ҳуқуқ-тартибот идораларининг олиб бораётган ишлари таҳлил қилиниб, ўзаро тажриба алмашилди.

Айтиш жоизки, жамият ҳаётида нодавлат ташкилотлари иштирокининг кучайиши давлат бошқаруви тобора демократлашиб бораётганини кўрсатади. Айни вақтда улар фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади.

Илмий-амалий семинарда Президентимиз томонидан 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилган мақсад ва вазифалар, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда давлат органларининг аҳоли билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш каби масалаларга тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда янги тузилма хисобланган Халқ қабулхоналари институти фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Инчунун, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан, хусусан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, жамият ва давлат манфаатлари бузилиши сабабларини аниқлаш, бартараф этиш мақсадида бир қанча ижобий ишлар амага оширилгани таъкидланди.

Анжуманда Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлари доктори Л. Саидова, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Халқ қабулхонаси мудири С. Ҳасанов, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси масъул ходими А. Беришев ва бошқа мутасадди ташкилотлар масъул ходимларининг маърузалари тингланди.

З. ШАРИФЖОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕГА ЎТИШ ЖАРАЁНИНИ ЯКУНЛАМОҚДА

Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан маълум қилишларича, мамлакатимиз аҳолисини рақамли телекўрсатувлар билан қамраб олиш даражаси 100 фоизга етди. Бу Ўзбекистонда ер усти аналог телекўрсатувлари даври якунланаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлдаги “Рақамли телешиқтиришларга ўтиш ва ер усти аналог телешиқтиришларни тўхтатишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган жадвал асосида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ер усти аналог кўрсатувларининг босқичма-босқич тўхтатилиши амалга оширилди. Биринчи навбатда, аналог сигнал узатиш Тошкентда, 2018 йилнинг 5 дека-

рига қадар эса бутун мамлакат бўйлаб босқичма-босқич тўхтатилади.

Мамлакатимиздаги барча аҳоли пунктларининг рақамли телекўрсатувлар билан қопланишини таъминлаш мақсадида 500 га яқин турли қувватдаги узатишчлар жамланмаси ўрнатилди. Бундан ташқари, хорижий сунъий йўлдош алоқа операторининг муайян сегментини ижарага олиш хисобига аҳоли учун рақамли телекўрсатувлар хизмати-

дан кенг фойдаланиш тақдим этилди ва олис, бориш қийин бўлган аҳоли пунктларига ҳам давлат телерадиодастурларининг оммабоп ижтимоий пакетини етказиш амалга оширилди.

Рақамли телевидениедан баҳра олишни истаган оддий томошабин телевизоридан DVB-T2 стандарти мавжудлигини текшириб кўриши зарур. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган аксарият замонавий телевизорларга ўшб стандарти қўллаб-қувватловчи рақамли тюнерлар ўрнатилган. Ўнга қўшимча равишда оддий антенна талаб қилинади.

Мамлакатимизда нафақат рақамли сигнални қабул қилиш, балки Smart-TV ва IP-TV технологияларини ҳам қўллаб-қувватловчи энг сўнгги русумдаги телевизор моделлари ишлаб чиқарилаётган. Эски телевизор моделлари соҳиблари учун махсус “Узэлтехнаоат” АК корхоналари томонидан беш йил мобайнида 3 миллион донра рақамли телевизион сигналларни қабул қилувчи мослама ишлаб чиқарилади. Бу эса уларнинг ҳам рақамли телешиқтиришлар имкониятларидан тўлақонли фойдаланишига имкон беради.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИХАТЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИК

“Ўзбекистондаги миллатлараро дўстлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат муҳитини дунёнинг ҳеч қайси гўшасида учратмайсиз.

Бу ердаги турли миллат ва диний конфессияларнинг ўзаро аҳиллиги, одамларнинг бағрикенглиги, ягона оила фарзандларидек юрт равнақи йўлидаги интилиши, ўз тақдирини шу табарруқ замин билан чамбарчас боғлагани энг катта бахтимиздир”.

Ўзбекистон Рус миллий маданий маркази вакили Руслан Мушуров айтган бу самимий фикрлар юртимизда истиқомат этаётган барча фуқаролар кўнглидаги гапларга уйғундир.

Ўзбекистон давлат консерваториясида Рус миллий маданий маркази томонидан ташкил этилган ёшлар форуми иштирокчилари мамлакатимизда тинчлик ва оқшайишликни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, миллатлараро аҳиллик муҳитини сақлашдек масъулиятли жараёнда ёшлар фаоллигини ошириш каби масалалар ҳусусида сўз юритди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси ўринбосари К.Эшонхўжаев, Рус миллий маданий маркази раиси А.Аристов ва бошқалар азалдан заминимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда истиқомат қилиб келаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Фармонда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда турли ёт гоғлардан ёшларни ишончли ҳимоялаш, юртимизда жадал кечаётган жараёнлар, миллатлараро ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлашга доир эзгу сазй-ҳаракатларда ёшларнинг иштирокини кучайтириш долзарб масалалар.

Форум доирасида давра суҳбати ўтказилиб, унда талаба-ёшлар, олий таълим даргоҳларининг ўқитувчилари, миллий маданий марказларнинг вакиллари мавзуга доир ўзаро фикр алмашиш имконига эга бўлди.

– Дўстларим, дугоналарим турли миллат вакиллари, – дейди Наталья Никишина. – Жонажон Ватанимизда барча миллат ва элатларнинг аъналарини ривожлантиришга кўрсатилган эътибор, миллатлар ўртасидаги дўстликни асраб-авайлаш борасида узқон кўзлаб олиб борилаётган сиёсат тараққиётимизнинг, бошимиз узра мусаффо осмонимизнинг, осуда кунларимизнинг асосий омилдир.

Тадбирда бу каби форумларни пойтахтимиз ва юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этиш, уларга ёшларни кенг жалб этишнинг истиқболдаги режалари белгиланди.

Миллий маданий марказларнинг бадиий жамоалари иштирокида мусиқий дастур намоиш этилди.

Н.УСМОНОВА

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

“Mirzo Ulugbek Innovation Center” ахборот технологиялари ишланмаларини қўллаб-қувватлаш ва жорий этиш инновацион марказида дастурий таъминот ишланмалари ва ахборот технологиялари консалтинги билан шугулланувчи “Exadel Inc” халқаро компания вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳасининг йўналишлари ва ривожланиш ҳолати, ахборот коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали дастурчилар ва мутахассисларни тайёрлашнинг миллий тизимига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди.

“Exadel Inc” компанияси вакиллари ахборот коммуникация технологиялари маҳаллий бозорининг улкан истиқбол ва имкониятлари йирик халқаро компаниялар эътиборини жалб қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ахборот технологиялари соҳаси учун етук кадрларни тайёрлаш миллий тизими ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу муносабат билан компания нафақат корхоналар, балки мустақил ахборот технологиялари мутахассислари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Ўзбекистондаги соҳага оид олий ўқув юртлари талабалари эса “Exadel Inc” компаниясида стажировка ўташ имконига эга бўлади.

(ЎЗА)

Болалар спортини Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

ЯНГИ ТИЗИМ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 2018 йилда уюштирилаётган жаҳон чемпионатида қатнаша олмаётгани албатта мухлисларни бир оз футболдан совутди.

Чунки терма жамоамизни жаҳон чемпионатида кўриш камиди тўрт йилга чўзилди. Албатта, бу муваффақиятсизликда миллий терма жамоа футболчиларию мураббийларини айблаш нотўғри, сабаби футболимизда жиддий ислохотларга қўл уриш вақти аллақачон етиб келган. Назаримизда болалар футболни ривожлантирмай туриб, катталар футболда муваффақиятга эришиш мушкул. Ўзбек футболни ҳозир янгилашни йўлида турибди. Демак, болалар футболда ҳам янгилашни йўлидан бориш зарур. Шу тўғрисида ҳам мутахассислар эски ҳатоларни такрорлашни истамаган ҳолда, янги йўналишни амалга оширишни бошлади. Яъни, тасдиқланган дастурга кўра, футболни ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадидида мамлакатимиз 4 та ҳудудга бўлинди ва ҳар бири учун алоҳида ривожлантириш йўли белгиланди. Болалар футболни ривожлантириш мақсадидида Европа мамлакатидан мутахассислар таклиф этилгани қувонарли ҳолат бўлди. Энди водий футбол алоҳида, Тошкент шаҳри ва вилояти, Сирдарё, Жиззах алоҳида, Қорақалпоғистон, Хоразм алоҳида, Қашқадарё, Сурхондарё алоҳида ҳудуд ҳисобланган ҳолда ҳар бир ҳудудда янги тизимда болалар футболни ривожлантириш учун ҳаракат қилинади. Ҳудудларда болалар футболни ривож йўлида Германия, Италия, Сербия ва Испаниядан келган мутахассислар иш олиб боришади. Чунки бу мамлакатларда нафақат катталар, балки болалар футбол ҳам жуда ривожланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг таъкидлаш жоизки, болалар футболни ривожлантириш мақсадидида шу кунгача хали мамлакатимизда бирор бир европалик мутахассис фаолият юритмаган эди. Шундай экан, ушбу қарор футболимиз учун тарихий аҳамият касб этиши турган гап. Бундан ташқари, аввалги ҳатоларни такрорламасликка интилаётган мутахассислар бир ўқ билан тўрт қуёни уриш пайида. Аввало, болалар футболни ривожлантириш нозик масала эканлигини ҳисобга олган футболимиз мутахассислари тўғри йўлдан боришга интилади. Таъкидлашимиз келди. Чунки мамлакатимизнинг 4 та ҳудудда ҳам болалар футболни такомиллаштириш бўйича бажарилаётган ишлар бирданига ҳам самара келтирмас. Аммо бир ҳудудда ўхшамаган иш иккинчи ҳудудда ижобий натижага олиб келиши мумкин.

Шу ўринда Германия футболнинг жорий асрининг илк йилларида инкиррозли ҳолатга тушиб қолганини эслатиб ўтиш лозим. Аслида Германия миллий терма жамоаси иқтидорли ўйинчилар масаласида ҳеч қачон муаммага учрамаган. Буни ҳар тўрт йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионатларида Германия миллий терма жамоасининг муносиб иштироки ҳам яққол исботлайди. Аммо янги аср бошида немислар орасида энг кучли дарвозабон Оливер Кан бўлганлиги ҳам унутмаслик керак. Германия футбол федерацияси ўша ондаёқ вазиятга тўғри баҳо бериб, асосий ўрғун болалар футболга қаратди. Ваҳоланки, немислар ҳам Англия, Италия йўлидан боришлари, бундеслигани легионерлар ҳисобига қўйиштиришлари мумкин эди. Аммо болалар футболни ривожлантириш бўйича олиб борилган янги тизим самара бериб, 2014 йилда яна Германия жаҳон чемпионлигини тантанга қилгани ҳаммага маълум.

Германияда шундай тизим борки, бирор иқтидорли бола четда қолиб кетиши мумкин эмас. Энг чекка ҳудудларда ҳам болалар футбол мактаби Германия футбол федерацияси назоратида бўлиб, "Бавария" ёки "Боруссия" академиясидан тортиб, тўртинчи дивизионда иштирок этадиган қишлоқ жамоаси мактаби учун ҳам бир хил дастур ишлаб чиқилган. Мутахассисларнинг ҳар ҳафта 7 кунга мўлжалланган ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлаб, уларни барча мактабларга етказиб бераётганлиги таҳсинга лойиқ. Натижада нафақат марказий шаҳарлар, балки энг чекка жойлардаги иқтидорларга ҳам тахсил олишлари учун имкон яратилади. Бу тизимнинг аҳамиятли томони шундаки, барча болалар доимий эътиборда бўлади. Аввало, шунинг эслатиш жоизки, болалардан кимдир 12, бошқаси 16-18 ёшида иқтидорини ишга солиши мумкин. Баъзида 16 ёшгача иқтидорли кўзга ташланмай, футболдан кетишга қолган боланинг сал кейинроқ маҳорати пайқаб қолинади. Германияда ана шу масалага жиддий эътибор қаратилади. Болалар маҳорати ва иқтидорига қараб турли гуруҳларга ажратилади. Иқтидорини намойиш этолмаган бола эътибордан четда қолмайди, аксинча заҳира гуруҳларига ўтказилади. Бундай гуруҳларда ҳам яхлит дастур асосида иш олиб борилади. Вақти келиб, боланинг иқтидори юзасига чиқа бошлагач, уни яна асосий гуруҳда ўқитилади.

Бизнинг мамлакатимизда иқтидорли болалар жуда кўп. Айрим хорижий футбол мутахассисларининг фикрига кўра, ўзбекистонлик болалар техник жиҳатдан мана-ман деган футбол ривожланган давлатларнинг болаларидан кучлироқ. Аммо бизнинг болаларда фикрлаш ва тезлик юқори даражада эмас. Агар хорижий мураббийлар кўмағида ёшларимиздаги замонавий футболга етишмаётган камчиликлар бартараф этилса, келажакда ўзбек футбол жаҳонда ўз сўзини айтади.

Ахшар ЙЎЛДОШЕВ

ИҚТИДОРЛИЛАР МАСКАНИ

Болалар спортини янада ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланаётган болалар ва ўсмирларга кенг имкониятлар яратиш давр талаби эканлиги шубҳасиз.

Шу боис ҳам Учтепа туманида жойлашган 28-сонли БЎСМ (ТИП-2)нинг фаолияти тугатилиб, унинг негизидида ташкил этилган Спорт ўйинлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган БЎСМ пойтахтимиз болажонлари учун чинакам совға бўлди.

Спорт мактабининг 2 та филиали мавжуд бўлиб, биринчи филиали Миробод туманидаги "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида, иккинчи филиали эса Учтепа туманида фаолият юритмоқда.

Шунини эътиборлики, биринчи филиал учун фарғоналик тадбиркорлар кўмағи билан илк бор ВИТИП نامунавий лойиҳада асосида янги спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилди. Ушбу спорт иншооти 160 ўриндиқли 48х24 ҳажмдаги спорт зали, 860 ўриндиқли 110х70 ҳажмдаги очиқ турдаги футбол майдони, кийиниш, ювиниш хоналарини ўз ичига қамраб олган.

Мактаб спорт залини жаҳон стандартларига жавоб берадиган спорт жиҳозлари билан таъминлаш мақсадидида Республика баскетбол ва стол теннис федерациялари раҳбарияти билан икки томонлама келишув асосида Германияда ишлаб чиқарилган 2 та баскетбол шитлари ҳамда Жанубий Кореядан келтирилган 2 та теннис столлари ўқувчи-ёшлар ихтиёрига берилган.

Мактабимизда 771 нафар ўқувчи спортнинг баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, регби, теннис, стол теннис, енгил атлетика, пара-атлетика, кўзи оқизлар шашки билан шугулланади. Спорт билан ошно тутилган ёшларнинг 5 нафари биринчи тоифали, 7 нафари иккинчи тоифали спортчилардир.

Ўтган йили Москва шаҳрида баскетбол бўйича 2001 йилда тутилган ва ундан кичик ёшдаги ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро "Ғалаба Кубоги" турнирида қатнашган Х.Урунов бошчилигидаги 12 нафар спортчилардан иборат жамоа яқинда фахрли 2-ўринни, О.Голдаевич мураббийлигидаги иккинчи жамоа 3-ўринни эгаллаганлиги қаблларни фахр-ифтихор туйғусига

тўлдириб юборди.

Мактабимиз тарбияланувчилари эришган ютуқлар салмоғи аслида анча залворли. Яъни, 2016 йилнинг 8-18 сентябрь кунлари Бразилияда ўтказилган енгил атлетика баҳсларининг найза отиш йўналишида қатнашган Иван Зайцев 207 та давлат вакиллари орасида 27-ўринни эгаллаган эди. Шунингдек, Бразилияда уюштирилган XV ёзги Паралимпия ўйинларида спортчи Александр Свечников олтин, мураббий София Бурхонова 2-ўрин эгаси бўлишган.

Дарвоқе, ўтган йили Озарбойжоннинг Боку шаҳрида уюштирилган IV-Ислон бирдамлик йўналишида қатнашган Александр Свечников найза улоқтириш бўйича жаҳон рекордини ўрнатгани таҳсинга лойиқ. Худди шу спортчи ўтган йили Лондонда бўлиб ўтган Пара-атлетика чемпионатида шохсупанинг энг юқори поғонасини забт этди ҳамда жаҳон рекордини янгилади.

Ўтган йили ўтказилган спорт мусобақаларида қатнашган мактабимиз ўқувчилари 208 та медалга эгалик қилишган бўлса, шундан жаҳон чемпионатида 1 та олтин, Осиё чемпионатида 2 та олтин, халқаро турнирларда 1 та олтин, 23 та бронза, ўқувчиларимизга тегишли. Ўзбекистон биринчилиги баҳсларида ўқувчиларимизнинг 116 та олтин, 19 та кумуш, 41 та бронза медалга лойиқ топилгани кишини қувонтиради. Аммо шу билан бирга мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш, ғайрат билан меҳнат қилиш лозимлиги ҳеч қачон ёдимиздан қўтарилмайди.

Сўзим нихоясида шунини айтмоқчимизки, ёшлар камоли йўлида мактабимиз ўқитувчи ва мураббийлари тинмай изланаверимиз, ўқувчиларимизнинг ақли, доно, билимли, етук инсон бўлишлари учун бор билимимизни сафарбар этаверамиз.

Санжар НАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар Спорт ўйинлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори

Мусобақалар

ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИШДИ

Пойтахтимиздаги Яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби филиалида бокс бўйича 2002, 2003 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган халқаро турнир ҳамюртларимизга омад келтирди.

Ўзбекистон терма жамоаси, Тошкент шаҳар терма жамоаси аъзоларидан ташқари ушбу халқаро турнирда БАА, Қозғистон, Қирғизистон вакиллари голиблик учун кураш олиб борган мусобақа кизикарли, шиддатли курашларга бой кечди. Мусобақада иштирок этган ёш чарм қўлқоп усталари 42, 44, 46, 48, 50, 52, 54, 57, 60, 63, 66, 70, 75, 80 кг. ва ундан юқори вазн тоифаларида рингга кўтарилдилар. Эътиборли

томони шундаки, мусобақа якунида 50 кг. тоифасида Темур Қўшқов ҳамда 63 кг. вазн тоифасида Жавоҳир Абдувоҳидов рақиблири устидан зафар қўчиб, биринчи ўринни қўлга киритишди ва олтин медаллар эгасига айланишди. Бу ёш боксчиларнинг муваффақияти юртимизда бокс болалар ва ўсмирлар ўртасида жадаллик билан ривожланиб бораётганини яна бир қарра исботлади ҳамда Ўзбекистон, Тош-

кент шаҳар терма жамоаларининг умумжамоа ҳисобида шохсупанинг энг юқори поғоналаридан ўрин эгаллашларига катта ҳисса қўшди.

Яқинда голиб ва совриндорлар мутасаддилар – Ўзбекистон бокс федерацияси, Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт боксмармиси ҳамкорлигида таъсис этилган I – II – III даражали диплом, медал ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Ёшлар – келажакимиз

ШОГИРДЛАРИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Жисмоний тарбия ва спорт ёшларни камолотга етиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, ўғил болаларнинг эпчил, қаҳқон, бакуват, ўшёр бўлиб вояга етишларида бокснинг ҳусни бўлакча. Чунки жанговар спорт турларидан бири бокс билан шугулланган бола энг аввало чайир, абжир ҳамда бакуват бўлиб вояга етади. Истиклол шарофати тўғрисида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга, ҳусусан, боксга қаратилаётган эътибор сабаб, ўғил болаларнинг кўпчилиги орасида бокс оммалашмоқда.

Камини фаолият юритаётган Сергели туманида жойлашган Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт боксмармиси тасарруфидидаги Яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида боксга спорт турлари қатори бокс ривожига жиддий аҳамият қаратилмоқда. Ёш чарм қўлқоп усталарининг бокс билан профессионал даражада шугулланишлари учун мактабимизда барча қўлайликлар яратилган. Ахир биз мураббийлар ҳам Олимпиада совриндорлари – Ҳасанбой Дўсмаев, Фазлидин Ғойибназаров, Бектемир Мелиқўзиев, Шаҳрам Ғиёсов сингари боксчиларнинг издошлари мактабимиздан етишиб чиқишини жуда-жуда истаймиз. Шу боисми, энг аввало, мураббий сифатида ўз устимда кўп ишлайман, тинимсиз изланаман, халқаро миқёсда бокс бўйича қўланилиши лозим бўлган янги қоидаларни, ёш спортчилар би-

лан ишлаш бўйича яратилган ҳар бир қўлланмаларни ўрганишга интиламан. Кўп йиллик педагогик иш тажрибасидан келиб чиқиб айтдиган бўлсам, мамлакатимиз ёшлари орасида боксга қизиқувчан иқтидорлилари жуда кўп. Мисоллар билан айтдиган бўлсам, шогирдим Ҳусниддин Зухуржонов бокс билан профессионал тарзда бор-йўғи икки йилдан буён шугулланаётганига қарамай, ўтган йили Жиззах олимпия заҳиралари коллежидида уюштирилган ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон Кубоги беллашувларида биринчи ўринни қўлга киритди ҳамда олтин медал билан тақдирланди. Шунингдек, бошқа шогирдим Темур Қўшқов Ўзбекистон Кубоги мусобақасининг кумуш медалини, Жавоҳир Абдувоҳидов эса Ўзбекистон Кубоги турнирининг бронза медалини қўлга киритганлиги меҳнатларимиз зое кетмаётганлигини яна бир қарра исботлади.

Мен юқорида номларини келтирган шогирдларим келажакда юртимиз шаънини халқаро турнирларда муносиб ҳимоя қиладилар. Хали бу ёшлар орасидан жаҳон, Осиё чемпионлари, Олимпиада голиб ва совриндорлари етишиб чиқади.

Марат ҚУРБОНОВ,
Яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИ: КЕЛАЖАККА ҚАТЪЙИ ИШОНЧ БИЛАН

"Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан "Ўзбекистон аёллари – 2017: ижтимоий мавқе ва кайфият" мавзусида ўтказилган сўровда Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинган аёлларнинг ижтимоий мавқеини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг нечоғли самара бераётгани аниқланди. Шунингдек, аёлларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва мақсадлари ўрганилди.

Шаҳар ва қишлоқ жойларда яшаيدиган турли миллат, ижтимоий гуруҳга мансуб, ишлаб чиқаришнинг турфа соҳа ва жабҳаларида фаолият юритаётган 18 ва ундан катта ёшдаги аёллар қатнашган сўров натижалари аёлларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаолият юритаётгани, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ишида фаол иштирок этаётганини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ривожланишнинг бешта устуви йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида юритилаётган ва Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт истиқболлари тўғрисида Ўзбекистон аёллари ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун қўшимча шароитлар яратилмоқда, уларнинг давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этиши, ижтимоий ва иқтисодий фаоллашуви, интеллектуал ва маънавий етук бўлиши, касбий ва оилавий мажбуриятларини ўйинлаштириш олиши учун имкониятлар пайдо бўлди.

Таъкидот натижаларига кўра, сўнгги йилларда аёлларнинг ўзларининг ҳуқуқий ҳимояланганлиги ишончи ортган. Респондентларнинг 81,1 фоизи ҳуқуқлари бузилса давлат, ижтимоий ва фуқаролик институтларида кўмак олиши мумкинлигини билдирган. Давлатимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган мустақам ҳуқуқий базаси аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари самарали таъминланишига қўлғайлади.

Иштирокчилар бу жараёнда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган фуқаролар билан фаол ва очик мулоқот олиб бориш тизими – Халқ қабулхоналари катта аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Сўров натижалари аёлларнинг муносиби ва замонавий таълим олишга барқарор ижобий муносабатини кўрсатди. Аксарият иштирокчилар (74,3 фоиз) фикрича, замонавий аёл учун олий маълумот муҳим аҳамиятга эга.

Бу кўп жиҳатдан аёллар учун меҳнат муҳим ҳаётий қадрият экани, улар меҳнатни жамиятда ўз мавқеини белгиллаш ва ижодий салоҳиятини амалга ошириш имконияти сифатида қабул қилиши билан ифодаланади. Иштирокчиларнинг аксарияти аёллар ўйдан ташқарида ҳақ тўланадиган ишга эга бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Бу аёллар олинган моддий фаровонлигига ҳисса қўиши билан бирга, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиш имконини тақдим этади.

Таъкидотлар аёлларнинг у ёки бу меҳнат фаолияти билан шугулланишининг асосий сабабини аниқлади. Респондентларнинг 41,7 фоизи маълумоти ва малакасига мос касбда фаолият юритади, 30 фоизини касбига хос ижодий ҳусусият жалб этган, улар ўзларини қизиқтирган фаолият билан машғул, ҳар ўнинчи аёл эса ишда ва оилада ўз мажбуриятини ўйинлаштириш учун эркин ҳадвал асосидаги иш ўринларини танлаган.

Сўровда қатнашган аёлларнинг кўпчилиги ўзини фаолият турини ўзгариштиришга, янги касбини эгаллашга қодир, деб ҳисоблайди. Сўров натижалари мониторингидан аёлларнинг меҳнат муносабатлари фаоллашгани, 2015 йилда 69,5 фоиз бўлган ҳудуднинг 2017 йилда 77,9 фоизгача ошгани маълум бўлди. Ушбу бўлган ишонч тўғрисида меҳнат муносабатлари фаоллашган респондентларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади.

Ўтказилган сўров натижасида Ўзбекистон аёлларининг фаол ишбиланшлик фаолиятига жиддий қизиқиши маълум бўлди: иштирокчиларнинг 20,2 фоизи тадбиркор сифатида фаолият юритади, 24,2 фоизи эса ўз ишини бошлаш истагиди. Бундан ташқари, 84,2 фоиз респондент аёллар ижтимоий-сиёсий фаолият билан шугулланиши кераклигини маълумлайди.

Сўров аёлларнинг аксарияти ҳаётида муайян мақсадларга эришишга интилишини кўрсатди. Иштирокчиларнинг ҳаётдаги асосий мақсади оила қуриш, унинг фаровонлигини мустақамлаш, фарзанд тарбияси, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашдан иборатдир. Бунда аёлларнинг асосий қисми ўз мақсадида эришишга, озу-истаклари рўйбга чиқишга қатъий ишонди.

"Айни пайтда ҳаётингиздан нечоғли қониксанми?" деган саволга берилган жавоб жамиятда юзага келган замонавий ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлиги, унга нисбатан аёлларнинг умий ҳиссий-баҳолови мусобақатини билдирди.

Сўров натижаларидан 88,1 фоиз аёллар ўз ҳаётиндан мингун экани, 76,1 фоизи эса ўзларини бахтли ҳисоблаш маълум бўлди. Умуман, ўтказилган сўров давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида ўз бераётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар билан бир қаторда Ўзбекистон аёлларининг тафаккури ва дунёқараши ҳам ўзгараётгани, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик онги ошётгани, фуқаролик позицияси ва келажакка ишончи мустақамланиб бораётганини кўрсатди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида Л.ПАК тайёрлади
ЎЗА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида йилдан йилга кенг ҳажмда бўёдорлик ишлари қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ олиб борилиб, янгидан-янги замонавий талабларга жавоб берадиган кўп қаватли ва яқка тартибда турар-жойлар ҳамда тадбиркорлар томонидан савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилмоқда.

Бутунчи кунда баъзи тадбиркорлар ва фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларини тушуниб етмаслиги ёки уларга ишда равишда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қўлишига русат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирмай туриб, қўшимча ер майдонларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш, бино-иншоотларни барпо этиш, шунингдек, тасдиқланган лойиҳадан четта чиққан ҳолда қўшимча бино-иншоотларни барпо этиш ҳамда кўп қаватли турар жойларда ўзгариштириш қўлиш хатлари аниқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли ва 2012 йил 11 октябрдаги 820-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2009 йил 4 мартдаги 115-сонли қарорларига асосан Тошкент шаҳрида нотураж жой объектлари ва яқка тартибда қурилган уй-жойлар ҳамда кўп қаватли турар-жой биноларида ва ён атрофида ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер майдонларини ва ҳужжатсиз барпо этилган бино-иншоотларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича туман ҳокимликларини қўлида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан амалий ишлар олиб боришмоқда.

Бу борада қонунчилик равишида ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олган ва қурилишга русат берувчи ҳужжатларсиз савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда турар-жой бино-иншоотларини қурган ёки қайта ташкирланган тадбиркор ва фуқаронинг қонун олдида жавобгар бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган маъмурий ва жиноий жазо чоралари қўлланилиши ҳақида оғохатиниришимиз лозим.

Азиз ҳамшаҳарлар, ҳар хил қўриқинидаги қурилмаларни қуришдан аввал, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари асосида ажратилган ер участкаларида ва қурилиш ишларига русат берувчи русатномаларга асосан қурилиш ишларини олиб боришни унутманг. Бу билан Ўз қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга ва Ватанимизнинг ҳуқуқий давлат сифатида янада ривожланишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри боксмармиси маъмурияти



Ўзбекистон — умумий уйимиз

Футбол

САРАЛАШ БАҲСЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Футбол бўйича жорий йилги Осиё чемпионлар лигаси турнирининг саралаш босқичи плей-офф учрашувлари бўлиб ўтди.

Қаршининг "Насаф" жамоаси ўз майдонида Иорданиянинг "Ал-Файсали" клуби билан куч синашди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мавсум бошланишидан аввал "Насаф" жамоасининг маҳоратли етакчи футболчилари — Ф.Сайфиев, Б.Абдурахимов, А.Шорахмедовлар "Пахтакор" таркибига келиб қўшилган, кўпчилик мутахассислар бу футболчилар ўрнини кимлар эгаллайди ва "Насаф" Осиё чемпионлар лигаси саралаш ўйинида ижобий натижа қайд эта оладими, дея шубҳаланган эди. Аммо, бош мураббий Рўзikuл Бердиев Қашқа-

дарёда иқтидорли ёш чарм тўп усталари кўп эканлигини, "Насаф" ҳар қандай беллашувга жиддий ҳозирлик кўра олиши мумкинлигини яна бир қарра исботлади. Қаршилиқ чарм тўп усталарининг тўлиқ устунлигида кечган 90 дақиқа мобайнида рақиблар дарвозаси беш марта аниқ нишонга олинди ва мезбонлар ўз дарвозаларидан бир мартагина тўп олиб чиқиди. Мехмонлар дарвозасига Игорь Голбан, Бобур Абдухоликов, Азизжон Ғаниев, Драган Черан чиройли голлар киритишган бўлса, мехмонлар аъзоси ҳужумлардан бирида тўпни

қайтараман деб, ўз дарвозасига гол киритиб қўйди. Шунингдек, Қатарда "Ал-Гарафа" жамоасига қарши Осиё чемпионлар лигаси турнирининг саралаш босқичи плей-офф учрашувида майдонга тушган пахтакорчилар 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб, Осиё чемпионлар лигаси турнири ғуруҳ босқичида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишди.

Энди Осиё чемпионлар лигаси турнирининг ғуруҳ босқичида юртимиз шарафини "Локомотив" ва "Насаф" жамоалари ҳимоя қилади.

Аъзам ЁДГОРОВ

Кинематографияни ривожлантириш марказида Ёш киноижодкорлар кенгаши томонидан амалга оширилаётган "Art House" лойиҳасининг навбатдаги бадий раҳбари, таниқли режиссёр Жаҳонгир Қосимов курси учун танлов бўлиб ўтмоқда.

ЁШ КИНОИЖОДКОРЛАР
МАҲОРАТИНИ ОШИРМОҚДА

Танловга 100 дан ортқ ариза келиб тушган. Уларнинг энг иқтидорлилари сараланиб, лойиҳада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Ёш киноижодкорлар драматургия ва режиссура йўналишида Жаҳонгир Қосимовдан, актёрлик маҳорати бўйича Карим Мирҳодиевдан, операторлик ишида эса Музаффар Юнусовдан сабоқ олади.

Эслатиб ўтамиз, "Art House" кенгашининг узлуксиз лойиҳаси

ҳисобланиб, унинг биринчи фа-лида ёшлар Ёлқин Тўйчиев, Жаҳонгир Қосимов, Рашид Маликов, Аюб Шаҳобиддинов ҳамда Рустам Саъдиев бадий раҳбарлигида курснинг назарий машғулотларини яқунлаб, ижодий маҳоратларини оширмоқда.

Йил охирида ёш киноижодкорлар томонидан яратилган қисқа метражли фильмлар турли номинациялар бўйича тақдирланади.

М.ҚОСИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Кўйлик маиший хизмат касб-хунар коллежи куйдаги директор ўринбосари лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- 1. Маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари:** Ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам эмас.
- 2. Касбий таълим бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари:** Касб-хунар коллежининг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стаж.
- 3. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари:** Олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стаж 3 йилдан кам эмас ёки касб-хунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стаж талаб этилади. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стаж талаб қилинмайди.
- 4. Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари:** Олий маълумот, 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стаж.

Танловда қатнашиш учун куйдаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Сўровнома (справка-объективка);
 2. Таржиман ҳол;
 3. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
 4. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
 5. Илмий-услубий ишлар ва иштиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
 6. 3x4 ўлчамли 6 донa фотосурат;
 7. Паспорт (нусхаси);
 8. Тавсифнома;
 9. Меҳнат дафтарчасидан нусха.
- Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.
- Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

"Янгиобод ихтисослашган бозори" МЧЖ ҳудудидаги ижарага бериладиган бўш жойлар тўғрисида маълумот.

1-сонли ошхона	1-худуд	130 кв.м
2-сонли ошхона	2-худуд	66,3
3-сонли ошхона	2-худуд	109,14
4-сонли ошхона	4-худуд	235,45
5-сонли ошхона	2-худуд	30,08
6-сонли ошхона	2-худуд	11
7-сонли ошхона	3-худуд	160,26
8-сонли ошхона	3-худуд	100,83
1-сонли дўкон	Катта Янгиобод кўчаси, 1	140,15
2-сонли дўкон	1-худуд	86,29
3-сонли дўкон	1-худуд	146,46
ҲАМИ		1 215,95

Манзил: "Янгиобод ихтисослашган бозори" МЧЖ Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Толариқ кўчаси, 1. Телефон: 298-72-64

ҚҚ "EUROASIA INSURANCE" МЧЖ СК Тошкент вилояти филиалига тегишли бўлган А4 формадаги куйдаги сўғурта полислари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

1. 0048927;
2. 0050722;
3. 0053796;
4. 0041977;
5. 0042916;
6. 0043394.

Буюртма Г-135

Кичик бизнес субъектлари диққатига!

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси кичик бизнес субъектларига мансуб барча кичик ва микрофирма корхоналар томонидан тақдим этиладиган 1-KB shakli (йиллик) "Микрофирма ва кичик корхонанинг 2017 йил учун ҳисоботи" давлат статистика ҳисоботини ва ушбу ҳисоботга тегишли иловаларни ўз вақтида ва сифатли тақдим этишларини эслатиб ўтади.

Кичик бизнес субъектларига мансуб барча микрофирма ва кичик корхоналар томонидан 2017 йил якуни бўйича тақдим этиладиган йиллик давлат статистика ҳисоботлари рўйхати.

Ҳисобот шакли номи	Ҳисобот номи	Тақдим этадиган	Тақдим этиш муддати
1-KB shakli (йиллик)	"Микрофирма ва кичик корхонанинг 2017 йил учун ҳисоботи"	Микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокдаги корхоналардан ташқари) Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокдаги микрофирма ва кичик корхоналар	26 февралдан кечиктирмай 26 мартдан кечиктирмай
8-sanoat (kuzatuv anketasi)	"Саноат таъкилотларининг ишлаб чиқариш ҳуваватларидан фойдаланиш бўйича 2017 йил учун сўровнома"	Йиллик саноат таъкилотлари Кичик саноат корхоналари (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокдаги корхоналардан ташқари) Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокдаги кичик саноат корхоналари	16 февралдан кечиктирмай 12 мартдан кечиктирмай 3 апрелдан кечиктирмай

НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА 2017 йил учун топширилиши лозим бўлган давлат статистика ҳисоботлари рўйхати куйдагилар:

Ҳисобот шакли номи	Ҳисобот номи	Тақдим этадиган	Тақдим этиш муддати
1-NNT shakli	"Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти тўғрисида 2017 йил учун ҳисобот"	Жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар	2 мартдан кечиктирмай
1-notijorat shakli	"Нотижорат ташкилотларининг фаолияти тўғрисида 2017 йил учун ҳисобот"	Нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУЖМШ) дан ташқари)	16 февралдан кечиктирмай

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУЖМШ) 8-kom shakli (йиллик) "Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти тўғрисида 2017 йил учун ҳисобот" давлат статистика ҳисоботини 2018 йил 15 февралдан кечиктирмай топширишлари лозим.

Мансабдор шахсларнинг давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиши, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" давлат корхонаси томонидан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 156-А манзилида жойлашган халқаро улгурчи чакана савдо ярмаркаси, 63-бўча, 28-сонли дўкон учун Ҳажиев Сухбат Матрасулович номига берилган 3-29/12/2012 реестр рақамли нотураж жойнинг кадастр ҳужжатлари ҳамда бино-иншоотга 31.01.2012 йилда берилган ТА 1377395 сонли ғувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Учтепа тумани тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш "Ягона дарча" марказида (0117298, 21.04.2016 йилда) давлат рўйхатидан ўтган яқна тартибдаги тадбиркор Халikov Mirziyod Mirsagatovichga (СТИР 600280443) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида берилган тадбиркорлик ғувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"101"

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ
ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ
ҚИЛИНГ!

Совуқ кунларда уй-жойларни иситиш учун мўлжалланган печка ва газ плиталарининг носозлиги ёнғинга сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли уйдаги газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг.

Носоз ва қўлбола ускуналардан фойдаланманг, газ плитаси ва иситиш печлари устида кийим-кечакларни қуритманг, уйдан чиқишдан олдин газ ва электр ускуналарининг ўчирилганлигини текшириб кўринг.

Ўзингиз ва яқинларингизни "тилсиз ёв"дан сақлаш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишингиз муҳимлигини унутманг!

Зокир ҒОҒУРОВ,
"Маърифат маркази" ЁХБ кичик инспектори, сержант

Болалар бизнинг келажакимиз, уларни асраб-авайлаб Ватанимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб камол топишларига жавобгармиз. Шундай экан, ҳар биримиз қаерда бўлсак ҳам улардан насихатимизни, ҳаёт учун керакли сабоқларимизни ҳеч қачон аямайлик.

Нима учун ҳаётга талпинаётган мурғак бир гўдак бизнинг лоқайдлигимиз оқибатида оташ қурбони бўлиши керак? Ҳеч ким ўз фарзандини ногирон бўлиб қолишини хоҳламайди, албатта. Ёнғин эса бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажрата оладиган бир офатдир.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиغان бўлсак аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бе-парволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётган лиғининг ғувоҳи бўламиз.

Шунинг учун биз Ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳодимлари маҳалла фаоллари, хонадон эгалари, фарзандларимизни огоҳликка чақирамиз.

Хосимиддин ҒАЗИХАНОВ,
Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси кичик инспектори, сафдор

Ҳар йили республикамизда шунингдек, тумани-мизда содир бўлаётган ёнғинлар туфайли қанча давлат ва халқ мулки кулга айланмоқда. Бепарволик, масъулиятсизлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик туфайли моддий ва маънавий зарар кўриломоқда.

2017 йилнинг 12 ойи мобайнида Миробод туманида жами 69 та ёнғин содир бўлиб, натижада 5 нафар фуқаро вафот этган.

Содир бўлган ёнғинларнинг 29 таси электр ускуналарининг носозлиги ва улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, маст ҳолатда сигарет чекиш оқибатида 5 та ва 5 та ёнғин ёш болаларни олов билан уйнаши натижада содир бўлган.

Юртимиз ва халқимиз бойлиги, энг бебаҳо бўлган инсон ҳаётини ёнғиндан асраш — бу ҳаммамизнинг ишимиз. Бунинг учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз пайтида қўриш, давлат ёнғин назорати томонидан текшириш мобайнида аниқланган барча камчиликларни вақтида бартараф этиш лозим.

Ҳамиша ҳушёр бўлиб, ёнғиннинг олдини олиш қоидаларига риоя этилгандагина ноҳус ҳолатларнинг олдини тўлиқ олиш мумкин бўлади.

Халол меҳнат қилиб топган бор мол-мулкнинг бир неча сонияда қўққа совирилишини истамасангиз, "тилсиз ёв"дан эҳтиёт бўлинг.

Ўт балосига учрамаслик учун ҳамиша ҳушёр бўлайлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилайлик!

Фарҳод АБДУЛЛАЕВ,
Миробод тумани ЁХБ инспектори

Халқимизнинг тинч ва осойишта яшаши кўплаб омилларга боғлиқ. Ана шулардан бири жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашдир. Бекорга "Олов — тилсиз ёв" дейилмайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бепарволик ёки масъулиятсизлик оқибатида содир бўладиган ёнғин нафакат ён-атрофдагилар, балки давлатга ҳам катта моддий ва маънавий зарар етказди.

Юртимиз ва халқимиз бойлигини, энг асосийси инсон ҳаётини ёнғиндан асраш ҳаммамизнинг ишимиздир. Бунинг учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз вақтида қўриш, давлат ёнғин назорати ҳодимлари томонидан ўтказилган текширишлар мобайнида аниқланган барча камчиликларни бартараф этиш лозим.

Шундай экан, уйда, ишхонада ҳамда жамоат жойларида ёнғин хавфини келтириб чиқариши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик. Бу ишга ҳамиша масъулият билан қарасак, ўзимизни "тилсиз ёв" хавфидан сақлаган бўламиз.

К.АРАЛБАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ М.Улғубек тумани ЁХБ инспектори, сержант



совуқ, кундузи — 3-7 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 1 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 1 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинларчи бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража

Тошкент Оқшоми

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г-135

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10368 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.10

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ